Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 197 (6. 986) 1989 йил 29 август, сешанба

Баҳоси 3 тийин

КПСС Марказий Комитетининг

СОВЕТ БОЛТИҚБЎЙИ РЕСПУБЛИКАЛАРИДАГИ АҲВОЛ ҲАҚИДА

БАЁНОТИ

Литва ССР Олий Совети Германия—Совет шартномалари ва уларнинг оқибатларини ўрганиш комиссиясининг хулосаси 22 август куни Вильнюсда эълон қилинди. Бу шартномалар ғайриқонуний ва бинобарин ҳақиқий эмас, деб эълон қилинди, айни пайтда Литванинг СССР составига қўшилиши Литва халқ сеймининг 1940 йил 21 июлда қабул қилинган декларацияси ҳамда Литва Совет Социалистик Республикасини составига қабул қилиш ҳақида 1940 йил 3 августда қабул қилинган СССР Қонуни ғайриқонуний, юридик кучга эга эмас, деб айтилди.

СССР халқ депутатлари томонидан тузилган тегишли комиссия ўз ишини тугалламай туриб шундай қилинди, ҳолбуки, бу комиссия Болтиқбўйи республикалари депутатларининг ташаббуси билан тузилган ва уларнинг вакиллари шу комиссияда қатнашмоқда. Комиссия ўз хулосаларини маълум қиладиган СССР халқ депутатлари съезди бу масалани узил-кесил ҳал қилишини менсимай ана шундай қилинди.

Литва СССР Олий Совети комиссиясининг баёноти хусусий бир ҳодиса эмас. У Литва, Латвия ва Эстониядаги муайян кучлар сўнгги ойлар давомида тобора кўпроқ қайсарлик ва тажовузкорлик билан олиб бораётган ажралиб чиқишга қаратилган йўл билан бевосита боғлиқ. Халқ фронти ва унга яқин турувчи ташкилотлар 23 август куни ўтказган оммавий намойиш ана шу йўлнинг юқори чўққиси бўлиб, бу намойишнинг сиёсий моҳияти Болтиқбўйи республикалари халқларида Совет Иттифоқидан ажралиб чиқиш истагини уйғотишдан иборат.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети қуйидагиларни айтишни ўз бурчи деб билади.

Совет Болтиқбўйи республикаларида юз берган вазият тобора кўпроқ ташвиш уйғотмоқда. У ерда воқеаларнинг қандай тус олаётганлиги бутун совет халқининг, бутун социалистик Ватанимизнинг туб манфаатларига дахлдордир.

Қайта қуриш халқларнинг миллий ўзини англаши тез ўсиши учун қулай замин бўлди, уларнинг ўзларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги муаммоларни мустақил ҳал қила олишларига ишонч бағишлади. Кўпмиллатли катта совет оиласида ҳар бир халқнинг мамлакат бошқа халқлари билан эркин ва мутаносиб баҳамжиҳат ҳаракат қилишининг қайта қуриш вужудга келтираётган янги имкониятларидан фойдаланиб, миллий жиҳатдан қайта тикланиши Коммунистик партия ва Совет давлати сиёсатига мос бўлиб, бутун жамиятимизни янгилашнинг асосларидан биридир. Сўнгги вақтда иттифоқдош республикаларнинг суверенитетини мустаҳкамлаш, уни янги ва реал мазмун билан тўлдириш юзасидан қабул қилинган муҳим, принципиал аҳамиятга молик чора-тадбирлар ҳам айни ана шунга қаратилгандир.

Болтиқбўйи республикалари ана шу чуқур ўзгартишлар жараёнига фаол қўшилдилар. Меҳнат коллективлари ҳаракатга келди, жамият барча табақаларининг интеллектуал кучлари фаоллашди.

Бу ерда маълум босқичда демократия ва ошкоралик вазиятидан миллатчи, экстремист гуруҳлар фойдаланиб қолдилар ва аста-секин воқеаларнинг ривожланишини носоғлом йўналишга буриб юбора бошладилар. Улар ўзларини миллий манфаатларнинг ҳақиқий ифодачилари деб ҳисоблаб, ишни Болтиқбўйи республикаларини мамлакатнинг қолган қисмидан ажратиб қўйишга, бошқа халқлар билан алақачонлар таркиб топган узвий алоқаларни узиб ташлашга аста-секин олиб кела бошладилар. Улар экстремистларга хос, ажралиб чиқиш позициясиларидан туриб тобора ошкора гапира бошладилар. Тез орада улар режаларининг социализмга, советларга қарши туси намоён бўлиб қолди. Баъзи жойларда буржуазия даври ва фашистлар оккупацияси вақтидаги сиёсий тузилмаларни эслатувчи ташкилотлар пайдо бўлди. Аслида ҳокимиятнинг мувозий органлари тузила бошлади. Қўрқитиш тўғридан-тўғри алдаш ва нотўғри ахборот бериш, ҳатто қўшилмаган барча кишиларни, интернационализмга ва Совет Иттифоқининг яхлитлигига содиқ ҳар бир кишини маънавий террор қилиш, обрўсизлантириш практикага кириб келди. Оммавий ахборот воситаларининг бир қисми миллатчилик муҳитини қарор топтириш манбаига айланиб қолди.

Миллатчи арбоблар халқаро алоқалар эркинлигидан фойдаланиб хорижий ташкилотлар ва марказлар билан алоқа ўрнатдилар, бу билан аслида уларни ўз республикаларининг ички ишларига жалб қилдилар, гўё Болтиқбўйи халқлари учун ҳақиқатан ҳам нима кераклигини Ғарбдаги шу одамлар яхшироқ биладигандек, гўё улар мамлакатимизга нисбатан ўзларининг яширин ва ошкора режаларига амал қилмай, балки ҳақиқатан ҳам совет кишиларининг фаровонлиги ҳақида жон куйдирадигандек, уларни ўз маслаҳатчиларига айлантирдилар.

Иш тўғридан-тўғри ваҳшиёна ҳаракат қилишгача, давлат рамзларини, ҳар қандай одобли инсон учун дахлсиз бўлган муқаддас нарсалар — Гражданлар ва Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган кишиларга ўрнатилган ёдгорликларни таҳқирлашга бориб етди.

Мамлакатнинг ҳамма томонидаги совет кишилари уларнинг тасаввуридаги латишлар, литваликлар, эстонлар миллий анъаналарига қовушмайдиган ва ўзларининг ҳалоллиги, ўйлаб иш тутиши, инсоний муносабатларнинг маданиятли кишиларга хос нормаларига ҳурмати билан шуҳрат қозонган ана шу халқларнинг миллий характери учун ғоят ҳақоратли бўлган ана шундай ваҳшийликларни кўриб ҳамда бу ҳақдаги хабарларни ўқиб ажабландилар ва қайғурдилар.

Советларга қарши, бузғунчи ва аслида миллатларга қарши кучларнинг фаолияти, миллатчилик муҳити шунга олиб келдики, республикаларнинг давлат ҳокимияти даражасида давлатимизнинг федератив принципига зид келадиган, ана шу республикалардаги бошқа миллатларга мансуб аҳолини камситадиган Конституцияга зид ҳужжатлар қабул қилинди.

1989 йил 23 августдаги воқеаларнинг ташкилотчилари кайфиятларни чинакам миллатчилик ҳуружларига айлантиришга ҳаракат қилдилар. Минглаб кишиларга тиқиштирилган шиорлар совет тузумига, русларга, КПССга, Совет Армиясига душманлик руҳида ёзилган.

Болтиқбўйида юз бераётган воқеаларни бутун мамлакатимизда турли миллатларга мансуб кишилар ачиниб кузатмоқдалар. Марказий Комитетга юз бераётган воқеалардан миллатчилик касали юқмаган оддий кишилар, литваликлар, эстонлар, латишларнинг ўзлари ҳам жуда ачинаётганликлари ҳақида хатлар, аризалар, бошқа ахборотлар тобора кўпроқ келмоқда. Ҳатто оммавий тадбирларда қатнашаётган кишилар ҳам гўё советларга қарши ҳаракат ташкилотчиларининг режаларини тушунмайдилар ёки бу режаларга қўшилмайдилар ҳамда бошқа халқларнинг вакилларига ўзларининг дўстона, самимий муносабатларини таъкидлашга зўр бериб уринмоқдалар, миллатчи бошлиқларнинг атрофида уймалашиб юрганларнинг экстремистларга хос ва безорилик ҳаракатларидан ўзларини четга олмоқдалар ва бундай ҳаракатларни қоралаб мақтадилар. Ҳар ҳолда оддий одамлар улкан ва буюк мамлакатдаги бошқа халқлар билан алоқани узишга даъват этаётганлари йўқ.

Бу эса ажралиб чиқишга қаратилган ҳаракатлар ўз халқларининг манфаатларини, уларнинг чинакам миллий ватанпарварлик ўзлигини англашини акс эттирмаётганлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Миллатчи кучларнинг фаолияти ҳозирнинг ўзидаёқ республика экономикасида жиддий йўқотишларга, миллатлараро ва ижтимоий кескинликка олиб келди. Баъзи жойларда чинакам граждан можароси, оғир оқибатларга олиб борадиган кўчалардаги оммавий тўқнашувларнинг реал хавфи вужудга келди.

Илгат газак ола бошлади. Болтиқбўйи халқлари тақдирига жиддий хавф ружу қилмоқда. Миллатчи саркорлар уларни қандай ўлқонга бошлаётганликларини одамлар билишлари керак. Бошарти улар ўз мақсадларига эришгудек бўлсалар, бунинг оқибатлари халқлар учун фалокатли бўлур эди. Уларнинг ҳаёт фаолиятининг ўзи хавф остида қолган бўлур эди.

Биз буни Болтиқбўйи халқлари олдидаги, Совет Иттифоқининг барча халқлари олдидаги масъулиятни ҳис этиб очиқ айтишимиз керак.

КПСС Марказий Комитети аввал бошдан Болтиқбўйи республикаларидаги қайта қуриш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини чуқур англаб етди. У раҳбарликни янгилаш ва унга янги кучларни олиб келиш зарурлигини вақтида кўра билди, замон руҳида ҳаракат қилишга, халқнинг эҳтиёжлари ва ташвишлари билан яшашга, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг кечиктириб бўлмайдиган муаммоларини тезроқ ҳал қилишга ёрдам берди. Республикаларнинг раҳбарияти жамоатчилик билан, аҳоли билан умумий тил топгандек, миллий шароитларни ҳисобга олиб ўзгартишларнинг имкониятлари ва йўлларини тўғри баҳолагандек эди.

Аммо шуни айтиш керакки, ана шу республикаларнинг раҳбарлари жараённи қайта қуришга доир ўзгаришларни нормал ўзанида тутиб туриш учун барча ишларни қила олмадилар. Улар салбий жараёнларни тўхтатишга, вазиятни тубдан ўзгартиришга, принципиал позицияларни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, оппозициядаги кучлар режалари ва амалий ишларининг ҳалокатли эканлигига кишиларни ишонтиришга муваффақ бўлмадилар. Жамиятни миллий хусусиятлар ва эҳтиёжларни тўла ҳисобга олиб, қайта қуришнинг байналмилал негизида, умуминтифоқ ва умуминсоний қадриятлар асосида жипслаштирадиган тўғри йўл ғовларга дуч келди, бу ғовлар ҳали ҳам бартараф этилгани йўқ.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, партия комитетлари ва партия ходимларининг бир қисми қийинчиликлар олдида чекинди, қўли ишга бормай қолди, баъзилари эса ҳатто миллатчилик кайфиятига жўр бўла бошладилар, ажралиш режаларига қаршилик кўрсатишни сусайтирдилар.

Содир бўлган вазият Болтиқбўйидаги қайта қуриш жараёнини теран англаб олишни, унга реал ва жиддий тарзда баҳо беришни ва мазкур жараённи экстремизмдан, бузғунчилик тенденцияларидан ва зарарли тенденциялардан тозалаш учун дарҳол кескин чоралар кўришни талаб этади.

КПСС Марказий Комитети Литва, Латвия ва Эстония халқларига, Она ер, тинчлик ва миллий тотувликни қадрлайдиган барча кишиларга мурожаат қилиб пайдо бўлган хатарнинг бутун чуқурлиги ва реаллигини уқиб олиш ва ҳис этишга, бутун мамлакатимиз тарихидаги ана шу бурилиш палласида масъулият ва доволик билан иш тутишга даъват этади.

Марказий Комитет ишчилар синфи ва деҳқонларга, ҳаётнинг моддий негизини яратаётган ҳамда ижтимоий ва миллий ларзалардан ҳамиша биринчи бўлиб ва ҳаммадан кўра ҳам кўпроқ жабр тортадиган кишиларга мурожаат қилади — баҳамжиҳат бўлиб, биргаликда шу аҳволдан чиқиш йўлини қидириш ва топиш керак, миллатчилик васвасасига берилмасдан, жазавага тушган унсурларни тўхтатиб қўйиш лозим.

Ҳаммамизда муштарак қийинчиликлар кўп. Мамлакат, унинг экономикаси мураккаб аҳволда. Аммо, гўё «муҳожирлар ҳайдаб чиқарилганидан кейин», руслар, украинлар, белоруслар, поляклар, яҳудийлар ва бошқалар яъни ҳозир сиз билан ёнма-ён яшаётган ва меҳнат қилаётган кишилар нотенг аҳволга солиб қўйилганидан кейин, «СССРдан ажраб чиқилгач» литваликлар, латишлар ёки эстонларнинг ҳаёти дарҳол тўкин-сочин ва ҳузур ҳаловатли бўлиб қолади, деб исботлашга уринаётганларнинг сўзларига ишонманг. Бу атайлаб айтилаётган ёлғондир! Бу — алдашдир.

Ҳар бир республика, ҳар бир регион бошқа республика ва регионлар билан, бутун мамлакат билан минг-минглаб хўжалик, ижтимоий, маданий, илмий-техникавий ришталар ва инсоний алоқалар билан боғлангандир. Мабодо бир варакайига ана шу ришталар узиб юборилса нима бўлади? Батамом равшанки, ҳеч ким бундан наф кўрмайди.

Ҳозир мамлакатимизда биринчи бўлиб, ҳақиқатан ҳам мустақил хўжалик юритишни ташкил этиш, ўзини ўзи таъминлаш, хўжалик ҳисобига ўтиш имконини олган Болтиқбўйи республикалари олдида ташаббускорлик, новаторлик учун, экономикани ривожлантириш ва турмушни яхшилаш учун жуда кенг уфқлар очилмоқда. Ҳозир давлат органларига ва республика аҳолисига ўз уйида ўзини хўжайин деб ҳис этиш ва шунга яраша иш тутишга халал бериб келган ўтмиш асоратлари ва ўша даврда содир бўлган бузилишларга барҳам берилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ўз халқи ва улуғ мамлакатимиздаги барча халқларнинг бахт-саодати учун курашда шонли инқилоб байналмилалчи анъаналарга эга бўлган Латвия, Эстония, Литванинг ишчилар синфи, меҳнаткашлари бу гал ҳам ўзларининг салмоқли сўзларини айтадилар, янги революцияни, қайта қуришни ҳимоя қиладилар, деб умид қилади.

КПСС Марказий Комитети Болтиқбўйидаги барча қардош халқларнинг зиёлиларига мурожаат қилиб, шу машаққатли кунларда ўзларининг чинакам маънавий мавқеларига яраша, халқлар ва умуман мамлакат олдидаги ўз масъулиятларига яраша иш тутишларига даъват этади. Зиёлилар душманлик ва қарама-қаршилик, одамларни камситиш ва ҳақорат қилишнинг эмас, балки эзгу орзуларнинг ва ирода, ақл-идрок, бирлик ва одамлар тотувлигининг ифодачисидир. Ғам-ҳасратнинг бегонаси бўлмайди, шуни ҳамиша ёдда тутайлик!

КПСС Марказий Комитети сиз, азиз аёллар, оналар ва опа-сингилларга алоҳида ташвиш ва умид сўзлари билан мурожаат қилади: бу ёруғ оламда болаларга меҳр-оқибат қилишдан кўра ҳам улуғроқ ғамхўрлик борми? Болалар бошига сира фалокат тушмаслиги, болалар боши узра ҳамиша она парвона бўлиши, бутун жамият уларни ардоқлаши, эъзозлаши керак-ку, ахир, Сизларнинг меҳршафқатингиз, сизларнинг кундалик мурувватингиз, ақл-идрокингиз жамиятда ишонч ва баҳамжиҳат тикланишига ёрдам бериши керак. Ёшларга ижобий таъсир ўтказиш сизларнинг қўлингизда.

Биз халқ депутатларига мурожаат этиб, уларни давлат арбобига хос масъулият ва сиёсий етуклиги намоён этишга, тангликни бартараф этиш учун ўз обрўсидан фойдаланишга даъват этамиз.

Биз Болтиқбўйидаги кўпмиллатли совет халқларининг ақл-идрокига мурожаат қиламиз. Муштарак манфаатларни кўзлаб, воқеаларнинг ҳалокатли боришини тўхтатиш, эҳтиёт бўлиб олиш, қарама-қаршиликдан мулоқотга, мушкул, аммо зарур қарорлар ва муросалар йўлини қидиришга ўтадиган вақт келди!

КПСС Марказий Комитети Литва, Латвия ва Эстониянинг барча коммунистларига, партия ветеранларига, айни вақтда яқиндагина ўз тақдирини Ленин партияси тақдири билан пайванд этган кишиларга мурожаат қилади: сиз ҳайрихоҳлик ва инсоний мулоқот намуналарини бўлишингиз, одамларни тотувлик, жипслашиш зарурлигига ишонтиришингиз керак.

КПСС — табиатан бирлаштирувчи, ўз сиёсатида соғлом миллий манфаатларни мамлакатнинг умумий байналмилал тараққиётида ҳисобга олиб, жамлашга қодир бўлган кучдир. Бузғунчи кучлар партияни кучсизлантиришга жон-жаҳдлари билан уринишаётгани бежиз эмас. Чунки бу СССР халқлари жипслигининг бузилишини англатган бўлур эди. Чунки бу халқнинг асл манфаатларига сира алоқаси бўлмаган, ўзининг худбинлик мақсадларини кўзлаётган кишиларнинг қўлини узун қилиб қўйган бўлур эди.

Ҳаёт шундан далолат бериб турибдики, миллатлараро муносабатлар соҳасида тўпланиб қолган салбий муаммоларни ҳал этиш, ўтмишдаги хаталарни бартараф этишнинг яккаю-ягона йўли қайта қуриш, янгича фикрлаш талаблари ва руҳига жавоб берадиган миллий сиёсатни ишлаб чиқишдадир. КПСС шу масала хусусида ўз платформасини эълон қилиб, ана шундай сиёсатнинг негизларини умумхалқ муҳокамасига тақдим этди. Яқин орада Пленум ушбу муҳокаманинг якунларини чиқаради ҳамда мамлакат олий давлат ҳокимияти, яъни СССР халқ депутатлари съездига ўз таклифларини тақдим этади.

Кўпмиллатли Ватанимиз тақдири учун, совет кишилари тақдири учун фавқулодда масъулият ҳозир бизнинг зиммамизга, яъни коммунистлар зиммасига тушмоқда. Ҳозир ҳар биримиздан ҳар қачонгидан кўра ҳам конкрет ишлар соҳасида матонат кўрсатиш, партиявий ўртоқлик, кучларни бирлаштириш, қайта қуришга биргаликда кўпроқ ҳисса қўшиш талаб этилмоқда, қайта қуришсиз эса миллий муаммоларни ҳам, миллатлараро муаммоларни ҳам ҳал қилиб бўлмайди.

Шундай палла келдики, ҳар бир коммунист принципиал партиявий позицияни эгаллаши ва ҳозир ўз халқи олдида ва бўлажак авлодлар олдида юзи ёруғ ва виждони пок бўлиши учун шунга яраша ҳаракат қилиши керак.

Бизнинг бугунги муштарак бурчимиз ана шундай.

Совет халқларининг ягона оиласини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафларининг бирлигини асраб қолайлик!

Маҳфуза Рўзиметова «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-филиалида йигирма йилдан буён тикувчи-мотористка бўлиб ишлаб келяпти. У кўплаб шогирдлар етиштирди. Ҳозиргача 20 қизга касб сирларини ўргатди. Унинг собиқ шогирдлари Муҳаббат Тиллаева ва Озода Иброҳимовалар ҳозир энг яхши тикувчи-мотористкалар сафидан ўрин олишган. Маҳфуза опа пенсияга чиққан бўлишига қарамай бирлашмада меҳнат фаолиятини давом эттиряпти.

Т. Каримов сурати.

Тонгги газеталарда

● Республика газеталарида «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови қонуни»да ва «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисида» Ўзбекистон ССР қонунларининг лойиҳалари ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарори, шунингдек, «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонуни лойиҳаси эълон қилинган.

● «Сенинг нуқтаи назаринг» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади. Мақолада партиянинг обрў-эътибори ҳар бир коммунистнинг амалий ишларига боғлиқ эканлиги ҳақида фикр юритилади.

● Словакия миллий қўзғолонининг 45 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Чехословакия партия ва ҳукумати раҳбарларига йўллаган табриги эълон қилинган.

Қайта қуриш кадрларини тайёрлайлик

Амалий ўйинлар ишга ёрдам беради

Республика иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиот уйи ташкил этган амалий ўйинларнинг қатнашчилари йиллар давомида тўпланиб қолган ғояларини, таклифларини айтиш имкониятига эга бўлишди. Тошкент шаҳар Фрунзе район корхоналари раҳбарлари, инженер-техник ходимлари, партия ташкилотларининг секретарлари, ишчилари етилган масалалар ҳақида гапирдилар, қайта қуришни тезроқ амалга ошириш йўлларини таклиф этдилар.

Республика иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиот уйи хўжалик ҳисобидаги ташкилот бўлиб, республика «Билим» жамияти ҳузурида яқинда тузилди.

— Ўқитиш, қайта қуриш шароитида самарали ишлайдиган кадрларни тайёрлаш бизнинг вазифамиздир, — дейди республика иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиот уйининг директори Ҳ. Б. Қурбонов. — Аввалига амалий ўйинлар усулидан фойдаланишга қарор қилдик, кейинчалик эса янги маҳсулотни ишлаб чиқиш, уни тайёрлаш ва сотиш юзасидан корхоналарга фаолиятини бошқариш ва ташкил этишнинг замонавий системаларидан бири — маркетинг йўли билан ўқитишга ўтишни ўйлаяпмиз. Шаҳар ижроия комитети, шаҳар партия комитетида муҳокама қилганимиздан сўнг Фрунзе районини тажриба тариқасида машғулотлар олиб бориш учун танладик. Нима бўлишини билмасдик. Тошкент олий партия мактаби, университетнинг тажрибали муаллимларидан иборат ташаббускор группамиз ишга қаттиқ киришди. Районда ишлар аҳволини ўрганишди, одамлар ўртасида савол-жавоб ўтказишди.

— Мен бу тадбир бирор амалий натижа беришига ишонмагандим, — деди биз билан суҳбатда Фрунзе районининг кадрлар бўйича ўринбосари Р. Н. Ғуломова. — Одатдагидек лекция эшитамиз, саволлар берамизу, тарқаб кетаверамиз деб ўйлагандим. Лекин баҳслар, мунозаралар билан икки кун қандай ўтиб кетганини билмабман. Район муаммолари ҳақида шунча нарсаларни билиб олдимки, уларни илгари тасаввур ҳам қилишим мумкин эмасди. Ўйин қатнашчилари боши берк кўчадан чиқишнинг аниқ-равшан йўлларини таклиф этишарди.

Учта командага бўлинган ўйин қатнашчилари мутлақо аниқ вазифани ҳал этишарди. Уларнинг фикрига кўра, районимиз 2000 йилда қандай бўлиши керак, иқтисодий, социал, маҳкуравий, сиёсий соҳаларда нималарни ўзгартириш зарур, деган саволларга жавоб бериш керак эди. Масалан, «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Б. А. Гольденштейннинг фикрини олайлик:

— Корхоналар мустақиллиги ҳозирча фақат сўздагина амал қилмоқда. Маъмурий-буйруқбозлик усулида бошқариш амалда йўқолгани йўқ. Моддий-техника таъминотидаги аҳвол кескинлашмоқда. Бундай шароитда олга қараб силжишимиз тўғрисида гапиришимиз ҳам мумкин эмас. Яна бир ўткир масала — уйжой масаласини олайлик. Бизда маблағлар бор, қурилиш билан шуғулланишимиз мумкин. Лекин маҳаллий маъмурлар Қўйлиқдан ер беришмоқчи. Хўш, у ердан корхона ишчилари қандай етиб келишади? Корхоналарга сўзда эмас, амалда эркинлик берадиган вақт келди. Ҳокимиятни Советларга бериш, сиёсий раҳбарликни партияда қолдириш керак.

Амалий ўйинда қатнашган барча кишилар бу фикрга қўшилишди. Улар миллатлараро муносабатлар масалаларини тадбиркорлик билан ҳал этиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш бир қанча кооперативларнинг вазифаларини ҳамда уларнинг қай даражада зарурлигини қайта кўриб чиқиш лозим деган фикрни билдиришди.

Хўш, Фрунзе районида 2000 йилда қандай бўларкин? Ўйин қатнашчилари бунга қандай тасаввур этишаётган экан?

Район бутунлай регионал хўжалик ҳисобига ўтади. Иқтисодий жиҳатдан мустақил корхоналарда кооператив ва ижара муносабатлари ривожланади, саноат, транспорт, лойиҳалаш ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларни ихтиёрий равишда ўз атрофига бирлаштирадиган ишлаб чиқарувчилар уюшмалари пайдо бўлади. Корхоналар фойдасидан маҳаллий бюджетга норма асосида маблағ ўтказиш туфайли маҳаллий Совет молиявий жиҳатдан мустақил бўлиб қолади. Маҳаллий Совет билан район партия комитети ўртасидаги вазифалар аниқ чегараланади. Аҳоли барча зарур нарсалар билан таъминланади, чунки истеъмолчилар уюшмаси орқали улар ўзларига керакли нарсаларни ўзлари режалаштирадилар.

Нима, бу ҳом хаёл дейсизми? Ҳозирча шундай бўлиши мумкин. Лекин изланувчан, ижодий кишилар бугунги кунденоқ аҳволни ўзгартиришга интилишмоқда. Улар кутишдан чарчашган, ҳаракат қилишни хоҳлашади. Республика иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиот уйи шаҳарнинг энг яхши мутахассисларини жалб этиб, бунда уларга ёрдам беради.

— Амалий ўйинлар кутганимиздан ҳам знёда бўлди, — деди Фрунзе район партия комитетининг иккинчи секретари В. М. Плешаков ЎзТАГ мухбири В. Драчевга. — Биз таълим беришнинг бундай усулини давом эттирмоқчимиз, қайта қуриш учун кадрлар тайёрлаймиз.

Об-ҳаво ва саломатлик

29 августдан 3 сентябргача

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра, шу ҳафтанинг аксарият кунлари ёғингарчиликсиз бўлади. Ҳафтанинг бошларида ҳарорат кечаси 15—20, кундузи 31—36 даража атрофида бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳаво ҳароратининг кўтарилиши кутилади. Кундузи ҳарорат 33—38 даража бўлиши мумкин. Ҳафтанинг охирига келиб, ғарбдан эсадиган шамолнинг тезлиги секундига 15—20 метргача кучайиши, осмонда булут кўпайиб, ҳарорат 3—4 даражага пасайиши мумкин.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медик об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш марказ мутахассисларининг фикрига қараганда, ҳафтанинг иккинчи ярмида қуруқ иссиқ ҳавонинг тарқалиши, бунинг натижасида ҳаво ҳароратининг аста-секин кўтарилиб бориши, айниқса кундузги вақтда ҳаво таркибидаги кислород миқдорининг камайиши сурункали кислород етишмовчилиги, юракнинг ишемик хасталиги, ўпка ва бўғинларнинг сурункали хасталиклари бўлган беморларнинг аҳволига салбий таъсир этиши мумкин. Улар ўзларини лоқас ҳис этишлари, тез чарчашлари, юрак санчишини сезишлари, организмнинг кислород истеъмоли камайиши мумкин.

Профилактика мақсадида ана шу тоифадаги беморларга даволовчи врачлар билан келишилган ҳолда, аъзоларнинг ҳолатини ҳисобга олиб, нафас олиш машқларини бажариш, сув муолажаларини, шу жумладан сув ҳавзаларида ва ҳовузларда чўмилиш тавсия этилади. Зарур ҳолларда юрак-қон томирлар фаолиятини ростловчи дори-дармонларни қабул қилиш мумкин.

Газета–газетхон–газета

Бутун жамият манфаатларини кўзлаб

СССР Министрлар Совети ва ВЦПСНнинг «Ёш болаги оналарга бериладиган отпуск мудатини узайтириш тўғрисида»ги қарори ишлаётган оналар ва уларнинг болалари, бутун оилалар ижтимоий ёнҳаётлари мухофазасига кафолат беради. ТАСС мухбири Т. Ивановнинг саволларига ВЦПСС секретари Г. Ф. СУХОРУЧЕНКОВА жавоб беради.

— Галина Федоровна, ушбу ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Бу жуда муҳим социал тадбир бўлиб, у она ва боланинг сиҳат-саломатлиги, оилалари руҳий вазияти, маънавий муҳити яхши таъсир этишига ишончим комил. Бу қарор фақат аёлларгагина дахлдор эмас, чунки болаларнинг саломатлиги ва уларнинг тарбияси ҳақида бутун жамиятимиз гамхўрлик қилишда лозим. Мажозий маънода айтганимизда бу қарор келажагимизга хизмат қилади. ВЦПСНнинг ташкилотлари ва жамоат ташкилотларида уздуксиз келиб тураган хатлар бу муаммога совет кишилари қанчалик манфаатдорлик билан қарашаётганидан далолат беромоқда. Ёш болани оналарнинг отпускасини узайтириш ва шу отпускага қисман ҳақ тўлаш мавзуси жуда юқори идораларда кўтарилди, ўн иккинчи бош йиғилиш планнинг тузилиш ҳисобига олинди, сайловчиларга СССР халқ депутатларига шу ҳақда наказлар берилиши. Бу ҳақда КПСС XXVII съезди, касаба союзларнинг XVIII съезди, СССР халқ депутатлари съезди минбарларидан гапирилди. ВЦПСС мазкур қарор мавбуи мудатларида амал қила бошлаши учун кўп куч-тайрат сарфлади.

— Янги қарорнинг моҳияти нимада?

— Йиғилайдиган оналарга бир ярим ойгача бўлгани болани бошқа учун қисман ҳақ тўланадигани отпуска мамлакатда боскичма-боскич жорий этилади. Шу йилнинг 1 декабридан бошлаб ушбу қарор Қозоғистон ССР, Приморье ва Хабаровск ўлкаларида, Амур, Камчатка, Магадан ва Сахалин областларида, Бурятия ва Тува АССР, Ростов ва Воронеж областларида, Кемерово, Новосибирск, Омск, Томск, Тюмень, Иркутск, Чита областларида, Карелия АССР ва Коми АССРда, Архангельск, Мурманск, Вологда, Новгород ва Псков областларида амалга оширилади. 1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб РСФСРнинг бошқа районларида, Украина, Белоруссия, Молдавия, Литва ССР ларида бошланиб, 1991 йилгача жорий этилади. 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Закавказье ҳамда қолган республикаларда ушбу қарор илгаригидек: Узоқ Шарқда, Сибирь ва шимолий районларда 50 сўм, бошқа регионларда 35 сўмдан.

— Қарор боскичма-боскич жорий этилишинги боиси нимада?

— Хозир иқтисодиёт қиймати» деган тушунча пайдо бўлди. Шундай қилиб, қонунга қомалиш бўлган ҳисоб-китобларга қарамасдан, янги қарор ишлаб чиқилиши ва амалга сўмга тушади. Бундан ташқари, бизга маълумки, бир вақтнинг ўзида кексаларга ва ишлаётган аёлларга ҳамда бола кўтариб ишлаётган аёлларнинг нафақаларини оширишга тўғрисидаги қарор ҳам амал қилса бўлади. Бундан ташқари бизнинг ишлаётган аёлларимиз ва ишчиларимиз ишлаб чиқаришнинг ривожланишидаги ҳаётий ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб, ишлаётган аёлларнинг

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

▲ Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети совринларидан сўнг ўз вазнида фарғоналик спорт инструктори Б. Қўлдошев ғолиб деб топилди. 100 килограммдан ортиқ вазнда эса унинг ҳамшаҳари А. Тўрақулов финалда тошкентлик Р. Жўраевни енгиб, чемпион бўлди. Бошқа учрашувда ҳам кучлилар аниқланди.

Пойтахтнинг «Кўкча» маҳалласида эса 35 нафар полвон ўз кучларини синаб кўрдилар. Ғолибларга Октябрь район ҳамда Тошкент шаҳар совети Бутуниттифоқ кўнгилли физкультура ва спорт жамияти томонидан кўчма вимпель, эсдалик совғалари топширилди.

★ **СУРАТЛАРДА: «Кўкча» маҳалласида миллий кураш мусобақасидан лавҳалар.**

Қ. Юсупов суратлари.

Гиламда полвонлар

ри учун миллий курашнинг бухороча ва фарғонача усуллари бўйича республика биринчилиги ниҳоясига етди. Мусобақада барча областлар, шунингдек Қирғизистон, Тожикистон, Татаристон, Туркманистон ва Қорачой-Черкасс автоном областидан полвонлар иштирок этдилар.

Уч кун давом этган баҳс-

Фарҳод — соврин эгаси

▲ Георгий Аъзамов номидаги республика шахматшашка клубида «Ёш ленинчи» газетаси совринни учун ўтказилган очиқ биринчилик қизиқарли бўлди. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган 245 шахматчи бир неча кун мобайнида ғолиблик учун дона сурдилар.

Ўн бир имкониятдан 9,5 очко тўплаган тошкентлик Фарҳод Собиров бош совринни қўлга киритди.

М. ОРТИҚОВ.

«Тўқимачи»да байрам

▲ «Тўқимачи» стадионида Фрунзе район спорт комитети ва Бутуниттифоқ кўнгилли физкультура ва спорт жамиятининг Тошкент шаҳар совети ўтказган байрамда 580 киши иштирок этди. Шулардан 250 нафари «Тўқимачи» спорт клубининг аъзолари эканлиги қувончлидир. Шу боис ҳам баҳслар тўқимачилик комбинати вакилларининг устунлигида ўтди. Спортнинг 10 тури бўйича беллашувлар авж олди.

«Пардозлаш» бўлими ва 2-йигирув фабрикасининг командалари корхона Кубоғи учун финалда учрашдилар. Бунда пардозловчилардан иборат коллектив ғолиб чиқди.

Саломатлигимиз манбалари

Сув ҳавзасида

Ирригация бўйича махсус давлат конструкторлик бюроси қошидаги чўмилиш ҳавзасининг ишга тушганига ярим йилдан ошди.

Бош конструктор К. Г. Абиля лойиҳаси асосида 1971 йилда бу иншоот ҳашар йўли билан қурилган. Ўтган йили ремонтдан чиқарилди. Чўмилувчиларга қулайлик яратиш ва тартибга солиш мақсадида абонемент системаси жорий этилган. Абонементлар давлат томонидан белгиланган нархда сотилади. Ёпиқ ҳавзада шуғулланувчилар учун 14 ёшдан катта бўлган йигит-қизларга бир ойга 6 сўмдан, ундан кичик ёшдаги болаларга 2 сўм 40 тийин тўланади.

Ҳавзада ўз-ўзини молиявий томондан таъминлаш усулида иш олиб бориляпти. Машғулотлар эрталаб бошланиб, график асосида ўтилмоқда. Кундузги олтита ёш болалар группаси билан сузиш бўйича СССР спорт мастери Валентина Саклакова шуғулланади. Тушликда завод ишчилари бепул чўмилишади. Шундан сўнг 2 та ёш йигит-қизлар группаси билан сузиш бўйича СССР спорт мастери Анатолий Петрович Клементьев машғулот олиб боради. Соат 14 дан 17.45 гача яна олтита ёш болалар группасига дарс ўтказилади. Кейин эса «Миконд», Агрегат заводлари, Беруний номидаги Тошкент политехника институти, маданий-оқартув техникуми ва С. Раҳимов районидаги ўрта мактабларга сузиш бўйича ГТО нормаларини тайёрлаб топшириш учун рухсат берилади.

Шу ўринда, сув ҳавзаси санитария ҳолатидан чиқиб қолмайдими, деган савол туғилади. Бунга йўл қўйилаётгани йўқ. Сув таркиби тез-тез назорат қилиб борилади. Ҳар бир машғулотда планда кўрсатилганидан кўп одам сувга туширилмайди.

Ҳавзадан фойдаланишда ишчи-ўқувчилар абонемент нархининг 50 фоизини тўлашади. Бу ерда тез-тез маданий спорт мусобақалари ҳам ўтказилиб туради. Яқинда сузиш бўйича К. Г. Абиля кубоги баҳси қизғин ўтди.

Қатнашувчилар сони кўпайган сари қатор муаммолар ҳам йиғилиб бораяпти. Баъзан ҳоҳловчиларга абонементлар етишмайди. Ҳавза маъмурияти чўмилувчиларнинг ҳаммасининг талабини қондира олмаяпти, жой торлик қилиб қоляпти. Бунинг учун янги ҳавзаларни ташкил этиш, кишилар саломатлигини мустаҳкамлашдаги муҳим омилга эътибор бериш керак.

Ш. ШОҚОСИМОВ.

Моҳир спортчиларимиз

РЭНДЗЮ УСТАСИ

Рэндзю. Ҳозирги замон япон шашкаси ана шундай аталади. Коля илк бор «Наука и жизнь» журналида шу ҳақда ўқиб қолганда ҳайратга тушган эди. Шашка тахтаси худди шахматникига ўхшаш, фарқи — катаклар сони кўпроқ, кейин ҳар бир қаторга 4 та эмас 5 тадан дона терилади. Қизиқ, бу ўйинни ким ўйлаб топган экан?

Ўша кезлари Коля Тошкент политехника институтининг 2-курсида таълим оларди. У бўш пайтлари курсдош ўртоқлари билан журналда берилган турли хил вариантларни ечишга, комбинацияларни ўрганишга киришди. Биргалашиб редакцияга хат йўлладилар. Орадан кўп вақт ўтмай у ердан жавоб келди. Унда институтда рэндзю секцияси очиш таклиф қилинган эди.

— Шу тариқа бир группа ишқибозлар спортнинг бу турини сиртдан ўргана бошладик, — деди Николай Гельевич биз билан суҳбатда. — Қунт қилган киши албатта мақсадига эришар экан. Мен манбалар ёрдамида япон шашкасининг қизиқарли олами билан танишиб олдим, назарий билимларни амалда қўллаб мустаҳкамладим. Натижа чакки эмас. Ўтган йили «Тошкент кузи — 89» Бутуниттифоқ турнирида биринчи ўринни қўлга киритдим.

1984 йилда пойтахтимизда «Константа» ҳаваскорлар клуби тузилган эди. Ҳозир унга Николай Михайлов раҳбарлик қиляпти. Республикада ягона ҳисобланувчи бу масканда ёшлар рэндзю сирлари билан танишмоқдалар. Машғулотлар Тошкент давлат университетининг Маданият саройида олиб борилаяпти. Шаҳар спорт комитети шахсий ва команда мусобақалари ўтказиш учун барча шароитларни яратиб бермоқда.

Келажак авлодда рэндзюга бўлган қизиқиш катта. Коля уларга ўргатиб, ўзи ҳам ўрганади, изланади. Шу йил май ойида Москва шаҳрида ўтказилган СССР шашка усталари баҳсида 2-ўринни эгаллаб, жаҳон биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Яқинда Японияга бориб келди.

— Биз «Киота парк Отель» меҳмонхонасида яшадик, — деди у ўз хотиралари билан ўртоқлашар экан. — Киота Япониянинг энг гўзал шаҳарларидан бири. Мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрилгани сезилиб турибди. Мен рэндзю бўйича Япония «Мэнджини», яъни буюк устаси Нахамура Фидеру билан дўстлашиб қолдим. Сеанслар меҳмонхонадаги бежирим залда берилди. Қизиқарли баҳсларда 4 япон, 3 нафардан совет ва швед спортчилари қатнашдилар. Ишқибозларнинг кўплигини айтмайсизми. Мен японлардан сўнг 5-ўринни эгалладим. Шоҳсупанинг биринчи поғонасига эса Нахамура кўтарилди. Биз япон шашкачилари билан ҳар йили ўртоқлик учрашуви ўтказишга келишиб олдик.

Моҳир спортчимиз ютуқлар билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Рэндзю усталари Евгений Бобков, Михаил Кожинлар билан маслаҳатлашади. Айни пайтда сентябрь ойида Тошкентда ўтадиган Бутуниттифоқ турнирига қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. Япон шашкасига болаларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида Октябрь районидаги 19-мактабда хўжалик ҳисобидаги «Жемчужина» клуби очилди. Бу жойда 100 га яқин 1-4-синф ўқувчиларига пухта сабоқ берилаяпти.

Ҳозир республикамизда Николай Михайловнинг издошлари тобора кўпайиб бормоқда.

С. ШОДИЕВ.

Луқма

Туя гўшти еган қурилиш

1986 йилнинг ёзида Г. Титов номидаги республика ихтисослаштирилган спорт мактабидаги янги кураш зали қурилишида иштирок этгандим. Спортга қизиқишим сабабли тренерлар, ўқитувчилар билан тез-тез суҳбатлашиб турардим. Шунда велоспорт бўлимининг тренери велотрек қурилишининг чала қолиб кетганлиги, бу эса спортнинг шу турини ривожлантиришга таъсир этиб, нақадар қимматга тушаётганини куюниб гапириб берганди. Орадан йиллар ўтди. Велотрек эса...

Келинг, яхшиси бир бошдан гаплашайлик. 1967 йилда велотрек қурилишига 303 минг сўм маблағ ажратилган. Шартнома имзолангач 153-қурилиш трестининг 14-қурилиш бошқармаси қурувчилари енг шимариб, корчогинчасига иш бошлаб юборишди. Ишқибозлар севинчи чексиз эди. Афсуски, бу қувонч узоққа чўзилмади. Қурилиш ишлари бир тўхтаб, бир юришиб оз эмас, 22 йилдан бери чўзилиб келаяпти.

1979 йил велотрек учун унутилмас воқеа бўлиб қолди. Мактабнинг собиқ директори қурилиш битганлиги тўғрисида кўзини чирт юмиб актга қўл қўйиб юборди. Қайтанга «яхши» бўлди. Чунки шунча йиллардан бери бу иншоот шаънига маломатлар оз бўлдими, ахир. Қоғозда бўлса ҳам фойдаланишга топширилди, деган номи бор-ку. Мана, 20 йилдан ошдики, велотрекнинг «дарди»га даво топилмайди. Айни пайтда бу жой бўш турганг йўқ. Баллон, темир-терсаклар қабристонига айланган. Агар қайси корхонада кераксиз нарсалар бўлса, бемалол олиб келаверишсин. Ҳеч кимнинг иши бўлмайди...

М. АБДУЛЛАЕВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон-техника заводи базасидаги

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-1990 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгичли приборлар ва интеграл микросхемаларни йиғувчилар, электрон саноат приборларини синовчилар, электрон саноат техника контроли бўлими контролёрлари;

ЙИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчилар, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчилари, кенг профилдаги станокчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ КАЛИНИН, ОРЖОНИКИДЗЕ ВА ЯНГИЙЎЛ РАЙОНЛАРИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ ПРИБОРЛАР ВА ИНТЕГРАЛ МИКРОСХЕМАЛАРНИ ЙИҒУВЧИ ЭЛЕКТРОН САНОАТ ТЕХНИКА КОНТРОЛИ БЎЛИМИ КОНТРОЛЕРИ, ЭЛЕКТРОН САНОАТ ПРИБОРЛАРИНИ СИНОВЧИ ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР УЧУН ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Бу группалардаги ўқувчи қизлар ҳар ойда 77 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. Ўқишни битирганларга эгаллаган касби бўйича малака берилганлиги тўғрисидаги диплом берилади.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Ўқишни битирганларга ўрта маълумот олганлиги ва эгаллаган касби бўйича малака берилганлиги тўғрисидаги диплом берилади.

Ўқувчилар ўқиш даврида ҳар куни 3 маҳал бепул овқат билан, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юрти ўқувчиларни информация ва ҳисоблаш техникаси фани бўйича ўқитиш **«КУВТ-86»** ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, Вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодкорлиги тўгаракларини ишлайди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, **086/У формадаги** медицина справкаси, турар жойидан справка, 8 дона фотосурат(4 та 3х4 см. 4 та 4х5 см. ҳажмида), ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юртини битирганлар база корхонасига ишга юборилдилар.

Мурожаат учун адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, «Весна» кўчаси, 17-уй (5, 12, 26, 69 «э», 183-автобусларнинг «Ўзбум», 1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекатлари). Телефон — 91-14-51.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 10-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг У. О. Орипов номидаги ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ, В. И. ЛЕНИН номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, А. Р. Беруний номидаги ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ва Тошкент шаҳар КУйБИШЕВ РАЙОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ

«ЭЛЕКТРОНИКА» ИЛМИЙ-ЎҚУВ МАРКАЗИ

ўзбек ва рус тилларида физика фани чуқур ўргатиладиган махсус 10-синфларга

КОНКУРС АСОСИДА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Машғулотларни мактаблар, олий ўқув юртларининг юқори малакали ўқитувчилари ва илмий ходимлар Куйбишев районидаги 113 ва 140-мактаблар, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Электроника институти биносида жойлашган ТошДУ ва ТошПИ кафедраларининг лабораториялари ва филиаллари базасида олиб боришади.

Махсус синфларнинг ўқувчилари марказда яхши таълим олганларидан сўнг «Илмий-тадқиқот институти лаборанти» ихтисосини эгаллаб чиқадилар ва битириш имтиҳонлари натижаларига кўра ТошДУнинг физика факультети ва ТошПИнинг радиоэлектроника ва автоматика факультетларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Конкурсли қабул 1989 йил сентябрь ойида ўтказилади.

Махсус синфларга конкурсли қабул ўтказиш шартлари ҳақидаги муфассал маълумотларни 69-94-97, 69-94-48 телефонлари орқали ЎзССР ФА электроника институти ва Куйбишев район Халқ таълими бўлимидан — 67-17-96 телефонлари орқали олиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР «БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАРҒИБОТЛАР УЙИ

42 соатлик программа бўйича

«КООПЕРАТИВЛАРДА ИҚТИСОД ВА БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБ-КИТОБИ» МАВЗУИДА

КУРСЛАР ОЧАДИ ВА ИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЎЙИНЛАР ЎТКАЗАДИ.

Ўқиш даврида кооператив ҳаракатни ташкил этиш, такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича методик ҳужжатлар ва қонун асослари ўқитилади.

Кооперативлардан бирида амалий машғулот ўтказилади, кооператив хўжалик фаолияти ҳисоб-китобири ўрганилади ва унинг фаолиятига таҳлилий баҳо берилади.

Ўқиш даврида олинган назарий билимлар таълимнинг фаол формаси — иш билан боғлиқ ўйинлар билан мустаҳкамланади. Машғулотлар тугагач методик қўлланмалар тақдим этилади.

Ҳар бир таълим олувчи учун — 200 сўм ҳақ тўланади. Справкалар юзасидан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат килинсин: 44-53-83, 44-57-44.

Адрес: 700011, Тошкент шаҳри, «ЎзССР 50 йиллиги проспекти», 13-уй.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ ҚУЙИДАГИ КОЛЛЕКТИВЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбек вокал-чолғу ансамбли.
Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.
Рус рақс коллективи.
Бадиий сўз тўгараги.
Ўзбек рақс коллективи.
Вокал-чолғу ансамбли
Болалар темир йўли территориясида темир йўлни моделлаштириш тўгараги.
Енгил ўймакорлиги.

ЎЗ-ЎЗИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛОВЧИ КОЛЛЕКТИВГА:

Фортепианода чалиш класси.
Гитарада чалиш класси.
Рақс коллективи.

Коллективларга ёзилиш ва умумий йиғилиш — 29 АВГУСТ КУНИ СОАТ 17.00 да Темирйўлчилар Маданият саройи фойеси (Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси)да **ўтказилади.**

ТЕАТР МУХЛИСЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

Биз сизга БГШ 2,3Х40 дурбинини харид қилишни маслаҳат берамиз. Ана шу дурбин ёрдамида сиз бутун саҳнани кафтдагидек томоша қила оласиз.

БГШ 2,3х40 театр дурбинининг баҳоси — 30 сўм.
Оғирлиги 230 грамм.
Ҳажми 122×48×47 миллиметр.



«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-ТИЖОРАТ БИРЛАШМАСИ.

ПИШИҚ, ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ

«Жуда ярашиб турибди!» — деймиз биз, қувончини яширолмай янги чиройли туфлисини кияётган қизалоққа.

Ҳа, болалар пойафзали енгил, қулай, пишиқ-пухта бўлиши лозим. Айни вақтда бундай пойафзаллар чиройли бўлиши ҳам керак.

Янгийўл пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасида тикилаётган болаларнинг оёқ кийимлари ана шу талабларнинг ҳаммасига жавоб беради. Бирлашма пойафзаллари чок билан мустаҳкамланади, бу болалар пойафзалининг пишиқлигини оширади.

Корхона қуйидаги пойафзалларни ишлаб чиқаради:

мактабгача ёшдаги болаларнинг олди ва орқа томони очиқ ёзги ТУФЛИЛАРИНИ. Улар илғор технология асосида елимланиб, иссиқлик билан ишлов бериш усулида тайёрланади;

Мактабгача ёшдаги болаларнинг усти очиқ, ҳар хил рангда локланган, таги чармдан тикилган кўркам ёзги ТУФЛИЛАРИНИ;

мактабгача ёшдаги болаларнинг қўнжи мўйнали, таги чармдан тикилган «молния» илгакли ёки қўнжи ёпишқоқ материал билан ёпиладиган ЭТИКЧАЛАРИНИ;

мактабгача ёшдаги болаларнинг табиий духобадан тикилган, полиуретан таглик ПАСТ ҚЎНЖЛИ БОТИНКАЛАРИНИ.

ЯНГИЙЎЛ ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

БОЛТИҚБЎЙИ БЎЙЛАБ САЁҲАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

7 СЕНТЯБРДАН 20 СЕНТЯБРГАЧА

Тошкент — Ленинград — Вильнюс — Каунас — Калининград — Брест — Тошкент маршрути бўйлаб мўлжалланган поезддаги

САЁҲАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Йўлланмаларни қайтариш масалалари юзасидан қуйидаги адресга — Саёҳат-экскурсия йўлланмаларини сотиш бюросига мурожаат қилинг: Тошкент, Навоий кўчаси, 69 «а». Телефон 44-12-90.

САЁҲАТ-ЭКСКУРСИЯ ЙЎЛЛАНМАЛАРИНИ СОТИШ БЮРОСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Ташстройтранс» Тошкент транспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг

5-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА:

«МАЗ-504», «КАЗ-608», «ЗИЛ-130» юк автомобилларида ишлаш учун «Е» категориядаги автомобиль ҳайдовчилар.

Меҳнатга — ишбай-мукофот тариқасида ҳақ тўланади.

Болалар боғчаси, пионер лагери ва «АВТОМОБИЛИСТ» профилакторийси, Сирдарё соҳилида дам олиш зонаси мавжуд, зарурат сезган кишиларга бир йил ичида оилавий ётоқхонадан жой, навбатга туриш тартиби билан квартира берилади.

СПРАВКАЛАР ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй ёки Ҳамза район аҳолини ишга жойлаштириш бўлими — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй; Чилонзор район аҳолини ишга жойлаштириш бўлими — Чилонзор кўчаси, 5-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/VIII да **Сўғд элининг қоплони** (19.00), 30/VIII да **Севги тумори**, 31/VIII да **Фауст**.

Кино

29 АВГУСТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ШАРЛО ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (катта зал, 17, 20.00); «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (ўзбек тилида, 17, 19.30).

Дружба — «ЯККА ЎЗИ» (16, 17, 18, 19, 20.40).

Москва — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Чайка — «ИНТЕР ҚИЗ» (16, 18.30, 21.00).

Лисунов номли — «ҚОРА КЎЗЛАР» (17, 20.00).

Шайхзода номли — «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (16, 18.30); «БУРОН» (20.45).

К. Ерматов номли — «ИШҚ ДАРДИ» (тоқ соатларда).

Нукус — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (17, 19, 20.45).

Қозоғистон — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (16, 18, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Фестиваль — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (21.40).

30 АВГУСТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ШАРЛО ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (катта зал, 11, 14, 17, 20.00); «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (ўзбек тилида, 12, 14.30, 17, 19.30).

Дружба — «ЯККА ЎЗИ» (11, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20.40); «ЕҚУТ КЎЗЛИ БИЛАКУЗУК» (12.00).

Москва — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

«Восток» — «ТОНГ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Чайка — «ИНТЕР ҚИЗ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Лисунов номли — «ҚОРА КЎЗЛАР» (11, 14, 17, 20.00).

Шайхзода номли — «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (11, 13.30, 16, 18.30); «БУРОН» (20.45).

К. Ерматов номли — «ИШҚ ДАРДИ (тоқ соатларда).

Нукус — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (17, 19, 20.45).

Қозоғистон — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (11, 12, 14, 16, 18, 20.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ИШҚ ДАРДИ» (11, 14.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Фестиваль — «ҚАРЗ ҚОҒОЗИ ВА ОСОЙИШТАЛИК» (21.40).

АВТОМАТ ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР

САНЪАТ САРОЙИ — 44-39-51.
ЎзССР 25 ЙИЛЛИГИ — 53-65.87.
ТИНЧЛИК — 58-34-88.
ИСКРА — 39-14.59.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ 29, 30, 31/VIII да (19.30 да).

Тошкент тўқимачилик комбинатининг

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОЙИ

мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни

ўз-ўзини маблағ билан таъминловчи болаларни эстетик тарбиялаш группаларига

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Машғулотлар музика, расм чизиш, инглиз тили ва актёрлик маҳорати (ўзбек ва рус тилларида) **бўйича олиб борилади.**

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 45-уй, болалар сектори. Телефонлар — 53-48-71, 53-36-34.

Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги аэрофотогеодезия изланишлари институтининг

«ВИСХАГИ» ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

янги «ГАЗ 53-27» автомашинасини

янги «УАЗ-452» ёки «УАЗ-469» автомашинасига

АЛМАШТИРАДИ

шунингдек рулонли глянц фотоқоғозини

СОТАДИ

Адрес: 700100, Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 1 «б» уй.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; интимий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Яншанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р. 14671. В.2148. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10